@soliqnews

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

# ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ БЎЙИЧА СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИ ТЎЛДИРИШ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

## Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тўлдириш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 454-моддасига асосан солиқ ҳисоботи юридик шахслар томонидан солиқ даври бошланганидан эътиборан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай жисмоний шахслар томонидан эса йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай тақдим этиши белгиланган.

Шунингдек, солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботи ҳар бир ҳисобот ва солиқ даври тугагандан кейин солиқ ҳисобида турган жойдаги, норуда қурилиш материаллари бўйича эса қазиб олиш амалга оширилган жойдаги солиқ органларига тақдим этилади.

Солиқ даври юридик шахслар учун йил чораги қилиб белгиланган бўлиб, ҳисобот ҳар ойда ўсиб бориш тартибида тақдим этилади ва ўсиб бориш тартиби чорак учун амал қилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисобот шаклини тўлдириш ва юбориш my.soliq.uz сайти орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Бунда шахсий кабинетга киргандан сўнг юридик шахсларнинг ҳисоботларини юбориш бўлимига ўтилади.




Электрон шакллардан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботи танланади.




@soliqnews

Мазкур бўлим танлангандан сўнг, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботи шаклининг 2023 йил учун жойлаштирилган пакети танлаб олинади.

Электрон шакллар | Журнал

Электрон шакллар

Орқага

| Код | Номи | Амал қилиш муддати | Тўхтатилган |
|---|---|---|---|
| 10701_26 | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ хисоб-китоби | 01 . 01 . 2023 | |
| 10704_1 | Фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи хисоб-китоби | 01 . 06 . 2022 | |

Ҳисобот ойнасида ўзингизга керакли бўлган ҳисобот шакли белгиланади ва йил, давр ҳамда ҳисобот тури (ҳисобот, қайта ҳисобот, қайта ҳисобот КП) танланади.

Шундан сўнг ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар шаклланади бунда ер қаъридан фойдаланувчиларга ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган рухсатнома (лицензия) тури бўйича маълумотлар киритилади.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар**

Солиқ тўловчининг номи: 4-SON QURILISH TRESTI

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (серияси рақами ва берилган санаси)

Техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларини ажратиб олиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (серияси рақами ва берилган санаси)

Хавфсиз Дарё ДУК билан тузилган шартнома санаси ва рақами

Солиқ тўловчининг манзили: ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК тумани

(алоҳида бўлинманинг жойлашган ери, жисмоний шахснинг яшаш жойи): ЎЗБЕКИСТОН тумани

Почта манзили: Xodjayeva 2a

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил): 20.02.2023 Ўлчов бирлиг: сўм

Тақдим этилади: ЎЗБЕКИСТОН тумани

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги / алоҳида бўлинманинг жойлашган еридаги солиқ органи)

@soliqnews

Мазкур бўлимда рухсатномаларнинг тегишлилиги бўйича реквизитлари тўлдирилади қолган бўлимларга эса “нол” сони киритилади.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ**

| Т/Р | Кўрсаткичлар | Сатр коди | Солиқ суммаси |
|---|---|---|---|
| 1 | Қора, қимматбаҳо, рангли, радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементларини қазиб олувчилар учун ҳисоб-китоб (1-илова 190-устуннинг ҳисобот ойи охиридаги жами суммаси) | 010 | |
| 2 | Табиий газни, нефтни, ва (ёки) газ конденсатини мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга берилган қисми учун ҳисоб-китоб (2-илова 6-устуннинг 080-сатри) | 020 | |
| 3 | Бошқа фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби (табиий газни, нефтни, ва (ёки) газ конденсатини мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга берилган қисми ҳамда қора, қимматбаҳо, рангли, радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементларини қазиб олувчилар мустасно) (3-илова 230-устуннинг ҳисобот ойи охиридаги жами суммаси тегишли қисми бўйича) | 030 | |
| 4 | Ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (3-илова 230-устуннинг ҳисобот ойи охиридаги жами суммаси тегишли қисми бўйича) | 040 | |
| 5 | Ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (010-сатр, 020-сатр ҳамда 030-сатрлар йиғиндиси) | 050 | |
| 6 | Йил бошидан бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси | 060 | 0.00 |

Мазкур ҳисоб-китобда ҳар бир илова бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқарилган солиқлар қуйидагича акс этади:

1. **010-сатрда** қора, қимматбаҳо, рангли, радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементларини қазиб олувчилар учун ҳисоб-китоб;

2. **020-сатрда** табиий газни, нефтни, ва (ёки) газ конденсатини мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга берилган қисми учун ҳисоб-китоб;

3. **030-сатрда** бошқа фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоб;

4. **040-сатрда** ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

5. **050-сатрда** ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (010-сатр, 020-сатр ҳамда 030-сатрлар йиғиндиси);

6. **060-сатрда** йил бошидан бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси акс этади.

Юқорида келтирилган сатрларнинг барчаси солиқ ҳисоб-китобининг иловаларидан автоматик равишда шаклланади.

**1-илова қора, қимматбаҳо, рангли, радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементларини қазиб олувчилар учун ҳисоб-китобни тўлдириш тартиби.**

Солиқ кодексининг 451[1]-моддаси бўйича металларнинг айрим турларини қазиб олиш (ажратиб олиш) чоғида солиқ базасини аниқлаш ва солиқларни ҳисоблаш учун тўлдирилади.

Орқага Сақлаш Жўнатиш

| | Металлар номи | Ўлчов бирлиги | Қазиб олиш ҳажми | Ҳисобот (солиқ) даврида ҳақиқатда реализация қилинган фойдали қазилманинг | | | | | | | Ўртача арифметик биржа баҳоси ва ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ўртасида олинган юқорироқ нарх (090-устун ва 100-устуннинг каттаси олинади) | Трансферт нархни белгилаш натижасида олинмаган даромад суммаси | Харажатлар (сўм) | | | Трансферт нархни белгилаш натижасида оширилган харажат суммаси | Солиқ базаси (олтин, мис, кумуш, платина, палладий, рух, қўрғошин, молибден учун (040 -устун х 110-устун)–130-устун), бошқа металлар учун (040-устун х 090-устун)-130-устун + (120-устун + 160-устун) | Солиқ ставкаси | Солиқ суммаси (170-устун х 180-устун) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | натурада ифодаланган сотиш ҳажми (кг,тн) | | | | қиймати (ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда) | ўртача олинган реализация қилиш баҳоси (080-устун / 040-устун) | ўртача арифметик биржа баҳоси (ДСҚ томонидан шакллантириб берилади) | | | жами (130-устун + 140-устун) | | | | | | |
| | | | | жами (050, 060, 070-устунлар йиғиндиси) | шу жумладан, | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | руда | концентрат | якуний маҳсулот (тайёр маҳсулот) | | | | | | | кейинчалик қайта ишлаш (эритиш, аффинаж) | транспортда ташиш | | | | |
| | 010 | 020 | 030 | 040 | 050 | 060 | 070 | 080 | 090 | 100 | 110 | 120 | 130 | 140 | 150 | 160 | 170 | 180 | 190 |
| | олтин | кг | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | олтин* | кг | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | мис | тонна | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | мис* | тонна | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | кумуш | тонна | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | кумуш* | тонна | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | платина | кг | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | платина* | кг | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | палладий | кг | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |
| | палладий* | кг | | | | | | | | | | x | | | | x | | | |

Ҳисобнинг 050-060-070-устунларида натурада ифодаланган сотиш ҳажми (кг,тн) акс эттирилади ва ушбу маҳсулотларни сотишнинг пулда ифодаланган қиймати 080-устунда маҳсулотнинг ўртача реализация қилиш бахоси 090-устунда ёритилади.

Шундан сўнг 100-устунда солиқ (ҳисобот) даври учун олтин, кумуш, палладий ва платина бўйича ўртача арифметик биржа нархи солиқ органлари томонидан Лондон қимматли металлар бозори уюшмасининг эрталабки фиксинги асосида, бошқа металлар бўйича эса Лондон металлар биржасининг маълумотлари асосида Давлат

@soliqnews

солиқ қўмитаси томонидан эълон қилинган бахо акс эттирилади (*https://soliq.uz/page/metallarning-ortacha-arifmetik-birja-narxi-*).

Ҳисоботнинг 110-устунида ўртача арифметик биржа баҳоси ва ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ўртасида олинган юқорироқ нарх акс этиб, солиқ базаси аниқланишида ушбу юқори нарх олинади.

Шунингдек ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган кейинчалик қайта ишлаш (эритиш, аффинаж) ва транспортда ташиш харажатларининг йиғиндиси 130-сатрда акс этади ва солиқ кодексининг 451[1]-моддасида белгиланган тартиблар асосида аниқланган солиқ база 170-сатрда ва солиқ ставкаси 180-сатрда акс этади.

190-сатрда ҳисобот (солиқ) даврида ўсиб бориш тартибида ҳисобланган солиқ суммаси акс этади.

## 2-илова Табиий газни, нефтни, ва (ёки) газ конденсатини мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга берилган қисми учун ҳисоб-китобни тўлдириш тартиби.

Мазкур илова солиқ кодексининг 451-моддаси 9-қисми бўйича қазиб олинган табиий газни, нефтни ва (ёки) газ конденсатини қайта ишлашни мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга бериш асосида амалга оширган ҳолларда тўлдирилади.

**Табиий газни, нефтни ва (ёки) газ конденсатини мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга берилган қисми учун ҳисоб-китоб**

| Кўрсаткич номи | Сатр коди | Ўлчов бирлиги | МХИК коди | Ҳисобот даврида | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ҳажми (тонна, куб.м) | қиймати (сўм) |
| 010 | 020 | 030 | 040 | 050 | 060 |
| Мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга берилган маҳсулот, шундан, | 010 | х | х | х | х |
| газ | 0110 | куб | х | | |
| нефт | 0111 | тонна | х | | |
| газ конденсати | 0112 | тонна | | | |
| Фойдали қазилмалардан олинган маҳсулотларни реализация қилиш баҳоси (номи/қиймати) (0210-0212-сатрлар йиғиндиси) | 020 | х | х | х | |
| Газни қайта ишлаш натижасида олинган махсулотлар | 0210 | | | | |
| | 02101 | | | | |

Ҳисоботнинг 050 ва 060-устунларида тегишлилиги бўйича қайта ишлашга берилган ва (ёки) мустақил равишда қайта ишланган табиий газ, нефт ва газ конденсатининг ҳажми ва қиймати акс этади.

Қайта ишлаш натижасида олинган якуний маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар хусусан 0210-сатрда газни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот, 0220-сатрда нефтни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот ҳамда 0230-сатрда газ конденсатини қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларнинг номи, ҳажми ва қиймати акс эттирилади.

@soliqnews

Ушбу маҳсулотлар хар бирининг ҳисоби алоҳида-алоҳида юритилади. Хусусан қайта ишлашга берилган табиий газ 0110-сатрда акс эттирилган бўлса, мос равишда газни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар 0210-сатрда акс этади.

Худди шундай нефт бўйича қайта ишлашга берилган ҳажм 0111-сатрда акс этган бўлса, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулот 0220-сатрда акс этиши лозим.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Газни қайта ишлаш натижасида олинган махсулотлар | 0210 | | | | |
| | 02101 | | | | |
| | 02102 | | | | |
| | 02103 | | | | |
| | 02104 | | | | |
| | 02105 | | | | |
| | 02106 | | | | |
| | 02107 | | | | |
| | 02108 | | | | |
| | 02109 | | | | |
| | 021010 | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Нефтни қайта ишлаш натижасида олинган махсулотлар | 0220 | | | | |
| | 02201 | | | | |
| | 02202 | | | | |
| | 02203 | | | | |
| | 02204 | | | | |
| | 02205 | | | | |
| | 02206 | | | | |
| | 02207 | | | | |
| | 02208 | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Газ конденсатини қайта ишлаш натижасида олинган махсулотлар | 0230 | | | | |
| | 02301 | | | | |
| | 02302 | | | | |
| | 02303 | | | | |
| | 02304 | | | | |
| | 02305 | | | | |
| | 02306 | | | | |

@soliqnews

Солиқ базасини аниқлаш чоғида кейинчалик қайта ишлаш ва транспортда ташиш учун солиқ тўловчи томонидан қилинган харажатлар мос равишда 0410-0411-0412-устунларда акс этади ва солиқ базасидан чегирилади.

Мазкур тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ базаси 060-сатрда, солиқ ставкаси 070-сатрда ва бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 080-сатрда акс этади.

| | Тайёр маҳсулот номи+A:X | Ўлчов бирлиги | Қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг ҳажми, тонна, куб.м | | | | | Ҳисобот (солиқ) даврида реализация қилинган фойдали қазилманинг ўсиб бориш тартибидаги | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | жами (040-устун + 050-устун + 070-устун - 060-устун) | шу жумладан | | | | натурада ифодаланган сотиш ҳажми, тонна, куб.м | пулда ифодаланган реализация қилиш баҳоси (ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда) | ўртача олинган реализация қилиш баҳоси (090-устун/080-устун) |
| | | | | реализация қилиш учун | ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун | йўқотишлар (бундан нормадан ортиқ йўқотишлар мустасно) | мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга берилган нефт ва газ (2-илованинг 0110 - 0112 сатрлари) | | | |
| | 010 | 020 | 030 | 040 | 050 | 060 | 070 | 080 | 090 | 100 |
| | Цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош | тонна | | | | | x | | | |
| | Цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош (кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун) | тонна | | | | | x | | | |
| | Табиий безактошдан блоклар | куб метр | | | | | x | | | |
| | Арраланадиган харсангтош, харсангтош | куб метр | | | | | x | | | |
| | Гипс тоши, гипс ва ангидрид, ганч | куб метр | | | | | x | | | |
| | Мармар | куб метр | | | | | x | | | |
| | Оҳактош-чиғаноқ | куб метр | | | | | x | | | |
| | Оҳактош (цемент ва оҳак ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактошдан ташқари) | куб метр | | | | | x | | | |

Ҳисоботнинг 040 ва 050-устунлари бўйича қазиб олинган ҳажм ва 060-устунида фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғидаги йўқотишлар акс эттирилади.

Шунингдек, ҳисоботнинг 080 ва 090-устуларида ҳисобот (солиқ) даврида реализация қилинган фойдали қазилманинг ўсиб бориш тартибидаги натурада ифодаланган сотиш ҳажми ҳамда пулда ифодаланган реализация қилиш баҳоси акс эттирилиб, маҳсулотлар реализация қилинган ҳолатда **080 ва 090-устунларни тўлдириш мажбурий ҳисобланади.**

Агарда фойдали қазилмалар тўлалигича ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланган ҳолатда фақат 050-устун тўлдирилади ва 080 ва 090-устунларга “нол” сони қўйилади ҳамда ҳисоботнинг **140-устуни** (фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархи (бир бирлик маҳсулот учун)ни **тўлдириш мажбурий ҳисобланади.**

| Фойдали қазилмаларни қазиб олиш (ажратиб олиш) бошланганидан улар реализация қилинмаган қазилма ҳажми, тонна, куб.м | Охирги солиқ (ҳисобот) даврида фойдали қазилмани ўртача олинган реализация баҳоси (олдинги ҳисоботнинг 100-устуни) | Трансферт нархни белгилаш натижасида олинмаган даромад суммаси | Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархи (бир бирлик маҳсулот учун) | Солиқ базаси | | | | Солиқ ставкаси, % | Қонун ҳужжатларига мувофиқ 1 тонна ёки метр куб учун белгиланган солиқ суммаси* | Ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | умумий (160 устун+170 устун +180 устун) | шу жумладан | | | | | умумий солиқ базаси учун (150-устун x 190-устун | бир бирлик маҳсулот учун ҳисоб китоб 210-устун / 030-устун) | бюджетга тўланиши керак (агар 220-устун < 200-устун бўлса 200-устун x 030-устун, акс ҳолда 150-устун x 190-устун) |
| | | | | | жами ҳажм учун (030-устун - 070-устун) x 100-устун | солиқ (ҳисобот) даврида фойдали қазилма реализация қилинмаган тақдирда (030-устун -070-устун) x 120-устун) | қазиб олиш (ажратиб олиш) бошланганидан фойдали қазилма реализация қилинмаганда (110-устун x 140-устун) x 1,2 | | | | | |
| 110 | 120 | 130 | 140 | 150 | 160 | 170 | 180 | 190 | 200 | 210 | 220 | 230 |
| | | | | | | | | x | | | | |
| | | | | | | | | x | | | | |

Ушбу бандда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмадан тўлалигича шахсий ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг 20 фоизга оширилган ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши белгиланган.

Юқоридаги маълумотлар ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан акс эттирилгандан сўнг ҳисоботнинг 150-230-устунлари автоматик равишда ҳисоблаб чиқарилади.

**Эътиборингиз учун рахмат!**

@soliqnews